

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИСОКУЛОВ ТУЛКИН УРАЛОВИЧ

**ЖАРРОҲЛИК РЕАБЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА
ИЧАК СТОМАСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ҲАЁТ СИФАТИ**

**21.02.23 - Ҳарбий тиббиёт
14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Исокулов Тулкин Уралович

Жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ва ичак стомаси
бўлган беморларнинг ҳаёт сифати..... 3

Исокулов Тулкин Уралович

Оптимизация хирургической реабилитации и качества жизни
пациентов с кишечной стомой 35

Isoqulov Tulkin Uralovich

Optimization of surgical rehabilitation and quality of life of patients with
intestinal stoma 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 74

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИСОКУЛОВ ТУЛКИН УРАЛОВИЧ

**ЖАРРОҲЛИК РЕАБЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА
ИЧАК СТОМАСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ҲАЁТ СИФАТИ**

**21.02.23 - Ҳарбий тиббиёт
14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.2.DSc/Har12 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ҳарбий тиббиёт академияси ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва “Ziyonet” (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Наврузов Саримбек Наврузович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзаев Алишер Умирзокович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Баймаханов Болатбек Бимендеевич
тиббиёт фанлари доктори, академик
(Қозоғистон республикаси)

Акбаров Миршавкат Миролимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупбеков Аброр Ахмеджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (199-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

У.М. Махмудов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши
кошидаги илмий семинари раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “сўнгги вақтларда ичакнинг хавфсиз ва хавфли касалликларининг барқарор ўсиши кузатилмоқда, бу эса беморларнинг сони юз минг аҳолига 120-150 тага кўпайишига олиб келди, уларда жарроҳлик йўли билан даволаш ичак стомасини қўйиш билан яқунланади”¹. Бу жиҳатдан аҳолининг қариши ва оғир ёндош касалликлар (қандли диабет, юрак-қон томир патологиялари) билан оғриган беморлар сонининг ортиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса асоратлар хавфини оширади ва стома ўрнатиш орқали вақтинчалик ёки доимий ичак юқини камайтириш заруратини келтириб чиқаради. Замонавий технологияларнинг ривожланиши кенг жарроҳлик аралашувларидан кейин беморларнинг ҳаётини узайтиради, аммо узок муддатли реабилитацияга ва ихтисослаштирилган парваришга муҳтож бўлган шахслар сонининг кўпайиши билан бирга келади. Ичак стомаси билан оғриган беморларни реабилитация қилиш замонавий хирургиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, чунки уларнинг аксарияти эрта ва кечки асоратларга, жисмоний ҳамда психологик ҳолатнинг ёмонлашишига дуч келмоқда. “Турли стомали асоратларнинг частотаси 18% дан 30% гача ўзгариб туради, ўз навбатида перистомал тери асоратлари 25-35% беморларда учрайди. Бу ҳолатлар жисмоний фаолликнинг чекланишига олиб келади, стома парваришини қийинлаштиради ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари, беморларнинг сезиларли қисми депрессия, ташвиш, ижтимоий изоляция ҳисси ва ўзини паст баҳолайди, бу нафақат тиббий, балки психологик ёрдамни ҳам талаб қилади”². Мавжуд реабилитация баённомалари асоратларнинг комплекс профилактикасини тўлиқ қамраб олмайди ҳамда шахсий ёндашув зарурлигини ҳисобга олмайди, бу эса беморларни олиб бориш усулларини, шу жумладан замонавий профилактика усуллари, стома парвариши шунингдек мослашувни тезлаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган физиотерапевтик технологияларни янада такомиллаштириш зарурлигини белгилайди.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ичак стомалари бўлган беморларнинг жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кўп марказли тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, бу борада ўрнатилган ичак стомаларининг турига қараб жарроҳлик амалиётларини ўтказган беморларнинг ҳолатини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, стомаларни ёпишнинг энг яхши вақтини аниқлаш нуқтаи назаридан STOMAD назорат остида ўрганиш давом этмоқда.

Маҳаллий колопроктологияни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ичак стомаси билан оғриган беморларни даволаш натижаларини

¹ Jabbal IS, Spaulding AC, Lemini R, Borkar SR, Stanek K, Colibaseanu DT. Temporary vs. permanent stoma: factors associated with the development of complications and costs for rectal cancer patients. *Int J Colorectal Dis.* 2022 Apr;37(4):823-833. doi: 10.1007/s00384-022-04116-8.

² Michońska I, Polak-Szczybyło E, Sokal A, Jarmakiewicz-Czaja S, Stepień AE, Dereń K. Nutritional Issues Faced by Patients with Intestinal Stoma: A Narrative Review. *J Clin Med.* 2023 Jan 8;12(2):510. doi: 10.3390/jcm12020510.

яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш бўйича етти устувор йўналиш бўйича вазифалар киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, паллиатив аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, колопроктология ва умуман олганда тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Ичак стомалари билан беморларга кўрсатилаётган юқори технологик тиббий ёрдам сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. Қонунчилик ҳужжатлари тўплами.

⁴Özden ZM, Kılıç M. The effect of self-efficacy levels of patients with intestinal stoma on stoma adaptation. *Support Care Cancer*. 2023 Apr 10;31(5):252. doi: 10.1007/s00520-023-07702-w; Świątkowski F, Górnicki T, Bułdyś K, Chabowski M. The Quality of Life of Patients with Surgically Treated Colorectal Cancer: A Narrative Review. *J Clin Med*. 2022 Oct 21;11(20):6211; Ren Y, et al. Readiness for return-to-work model-based analysis of return-to-work perception of young and middle-aged colorectal cancer patients with stoma in the early postoperative period: a descriptive qualitative study. *Support Care Cancer*. 2023 Jun 23;31(7):411. doi: 10.1007/s00520-023-07828-x; Gialamas E, Meyer J, Abbassi Z, Popeskou S, Buchs NC, Ris F. The Use of a Stoma Rod/Bridge to Prevent Retraction: A Systematic Review. *J Wound Ostomy Continence Nurs*. 2021 Jan-Feb 01;48(1):39-43; Kugler CM, et al. The effect of preoperative stoma site marking on risk of stoma-related complications in patients with intestinal ostomy-protocol of a systematic review and meta-analysis. *Syst Rev*. 2021 May 12;10(1):146. doi: 10.1186/s13643-021-01684-8; Hubbard G, et al. A physical activity intervention to improve the quality of life of patients with a stoma: a feasibility study. *Pilot Feasibility Stud*. 2020 Feb 5;6:12. doi: 10.1186/s40814-020-0560-0; Chen Y, Guo H, Gao T, Yu J, Wang Y, Yu H. A meta-analysis of the risk factors for surgical site infection in patients with colorectal cancer. *Int Wound J*. 2023 Oct 31;21(2):e14459. doi: 10.1111/iwj.14459; van der Storm SL, et al. Stoma APptimize Collaborative Study Group. A personalized app to improve quality of life of patients with a stoma: A protocol for a multicentre randomized controlled trial. *Colorectal Dis*. 2023 Oct;25(10):2071-2077. doi: 10.1111/codi.16694; Muhammad FA, Akpor OA, Akpor OB. Lived experiences of patients with ostomies in a University Teaching Hospital in Kwara State, Nigeria. *Heliyon*. 2022 Dec 1;8(12):e11936. doi: 10.1016/j.heliyon.2022.e11936; Augestad KM, Sneve AM, Lindsetmo RO. Telemedicine in postoperative follow-up of STOMa PATients: a randomized clinical trial (the STOMPA trial). *Br J Surg*. 2020 Apr;107(5):509-518. doi: 10.1002/bjs.11491; Skibsted CV, Jensen BT, Juul T, Kristensen HØ. Patient reported outcome measures assessing quality of life in patients with an intestinal stoma: A systematic review. *Colorectal Dis*. 2022 Oct;24(10):1128-1139. doi: 10.1111/codi.16202.

кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан Boston University School of Medicine, Boston, (USA), Division of Colorectal Surgery, Mayo Clinic, Jacksonville, (USA), Department of Surgery, Samsung Medical Center, Sungkyunkwan University School of Medicine, Seoul, (Korea), Department of General Surgery, the First Affiliated Hospital of Hunan Normal University Hunan Provincial People's Hospital, Changsha, Hunan, (China), Department of Colo-Rectal Disease Surgery, The Characteristic Medical Center of PLA Rocket Force, Beijing, (China), Department of Surgery, Heinrich-Heine-University and University Hospital Duesseldorf, Duesseldorf, (Germany), Department of Gastrointestinal Surgery, The First Affiliated Hospital of Chongqing Medical University, Chongqing, (China), Institute of Health Sciences, College of Medical Sciences, University of Rzeszow, (Poland), King's College London, Department of Diabetes, School of Life Course Science, London, (UK), Department of Internal Medicine, University of Padova, Padua, (Italy), Hasharon Hospital-Rabin Medical Center, Sackler School of Medicine, Tel-Aviv University, Tel-Aviv, (Israel), University of Iowa, University of Pennsylvania, University of California San Diego, University of Pittsburgh (CША); University of Cambridge, Perinatal Institute, University of Oxford, University of Glasgow, St Marks Hospital (Великобритания); University of Kyoto (Япония); University of Witten/Herdecke, University of Helios Hospital Berlin-Buch (Германия); University of Western (Канада); University of Turin (Италия); University of Pisa (Италия); Royal Alexandra Hospital (Шотландия); University of Tianjin, University of Beijing, Wenzhou Medical University, University of Hong Kong (Хитой); Jichi Medical University (Япония); University of Necmettin Erbakan, University of Sanko (Туркия); Н.И. Пирогов номидаги Миллий тиббий-жарроҳлик маркази (Москва); Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси каби ташкилотларда амалга оширилмоқда.

Ичак стомаси билан оғриган беморларнинг жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида бир нечта муҳим натижалар олинди, жумладан: стома шакллантириш операциясини ўтказган беморлар эрта қайта касалхонага ётқизилиш хавфи юқори эканлиги аниқланди, индекс операциядан кейин чиқарилгандан сўнг 30 кун ичида 20% гача қайта касалхонага ётқизилади, бунда қайта ётқизиш сурункали юрак етишмовчилиги ($p < 0,05$), стома билан боғлиқ операциядан кейинги асоратлар (қон кетиш, $p = 0,02$; юқори чиқишли стома, $p = 0,01$) ва ҳалқали илеостомали беморлар (34,0% га қарши 18,6%; $p = 0,01$) билан боғлиқ бўлади (Newcastle Centre for Bowel Disease Research Group, Royal Victoria Infirmary, Newcastle Hospitals, UK); ичак яллиғланиши асоратлари бўлган беморларда интервенцион тадқиқотларнинг муҳимлиги исботланди (ClinicalTrials.gov, University of Western, Canada); шошилиш операциядан сўнг ичак стомасини шакллантиришда хавф омиллари баҳоланди (University of Glasgow, St Marks Hospital, UK); операциядан кейинги даврда 25,7% ҳолатларда стома билан боғлиқ асоратлар частотаси стоманинг маркерланмаган жойлари бўлган шахсларда юқори бўлганлиги исботланди (Faculty of Nursing, Department of Surgical Nursing, Gazi University, Ankara,

Turkey), ичак стомаларини даволашнинг замонавий усуллари ва уларнинг асоратлари алгоритми аниқланди (Jichi Medical University, Japan); регрессион моделлар доимий ёки вақтинчалик стома кўйилган беморлар ўртасида асоратлар пайдо бўлиш эҳтимоли бўйича фарқларни аниқламади (OR 0,96, 95% CI: 0,70-1,32), бундан ташқари, операциялар сони, демографик ўзгарувчилар, ижтимоий-иқтисодий ва минтақавий омиллар, ёндош касалликлар ва операция турига тузатишлар киритилгандан сўнг, тўғри ичак саратонида доимий ва вақтинчалик стомалар ўртасида доимий стома яратиш логарифмик қийматида ($\beta=0,05$, $p=0,03$) сезиларли фарқ аниқланди (Division of Colorectal Surgery, Mayo Clinic, Jacksonville, FL, USA.); ичак стомали беморларнинг шахсий идрокини ва уларнинг мослашув муваффақияти даражасини баҳолашнинг муҳимлиги исботланди (University of Sanko, Turkey); ичак стомалари бўлган беморларнинг хирургик реабилитацияси ва ҳаёт сифатини яхшилашнинг оптималлаштирилган усули ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Ҳарбий тиббиёт академияси); яқинда ишлаб чиқилган нажасни чиқариб ташлаш учун бўшлиқ ичи қуримаси (FDD) ишламаётган стоманинг хавфсиз ва самарали алмаштирилиши исботланган (Department of Surgery, College of Medicine, Yeungnam University, Hyeonchung-ro, Nam-Gu, Korea); II ёки III босқич саратони бўлган беморлар I босқич беморларга қараганда умуман паст ҳаёт сифатига эга эканлиги, зарарланиш сфинктерга қанчалик проксимал жойлашган бўлса, ҳаёт сифатига салбий таъсири шунчалик катта эканлиги аниқланди. Очиқ жарроҳлик амалиётига нисбатан лапароскопик жарроҳлик фойдасига сезиларли фарқ аниқланди. Стомаси бор беморларнинг ҳаёт сифати ошқозон-ичак трактининг узлуксизлиги сақланган беморларга қараганда пастроқ бўлади ва жарроҳлик амалиётидан кейин қанча кўп вақт ўтса, стоманинг мавжудлиги ҳаёт сифатига шунчалик кўпроқ салбий таъсир кўрсатади (Department of Surgery, 4th Military Teaching Hospital, Wroclaw, Poland).

Ҳозирги вақтда дунёда ичак стомалари бўлган беморларнинг жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар колопроктологиянинг энг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда. Реконструктив ва тикловчи операцияларга тайёргарлик кўриш, ичак стомалари бўлган беморларни операциядан кейинги парваришlash бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш, реконструктив ҳамда тикловчи операциялардан сўнг беморларнинг ҳаёт сифати ўзгаришларини ўрганиш ҳамда ичак стомалари бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган босқичма-босқич жарроҳлик реабилитацияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби устувор йўналишлар давом этмоқда. Тиббиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида сўнгги ўн йилликлар давомида клиник амалиётга лапароскопия деб аталадиган мини-инвазив эндо-видео жарроҳлик технологиясининг жорий этилиши ичак тутилишини жарроҳлик йўли билан даволашда устувор йўналишни очди. Жаҳон илмий адабиётлари таҳлили шуни кўрсатадики, колостома шакллантиришда операция пайтида лапароскопик ёрдамни қўллаш жароҳатланишни камайтиради, жарроҳлик даволашнинг биринчи босқичидаги асоратларни камайтиради ва

асосий даволаш босқичи муддатларини оптималлаштиради. Ҳозиргача проктологлар стома жароҳатларини кўпинча чизикли чоклар билан ёпишади, бу эса операциядан кейинги даврда жароҳат четларининг ажралишига олиб келади ва кейинчалик патологик чандик ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Баъзан кўпол чандиклар пайдо бўлади, шунингдек, тери мацерацияси ва тери жароҳатининг инфекцияланиши кузатилади, натижада эстетик жиҳатдан ёмон натижа кузатилади. Бу жарроҳнинг маҳорати ва тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Жарроҳлик реабилитацияси ва стома билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш соҳасидаги келгуси тадқиқотлар, шубҳасиз, ушбу патология ҳақидаги замонавий тасаввурни яхшилайти ва диагностика ҳамда жарроҳлик даволаш алгоритминини такомиллаштириш имконини беради.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Сўнгги икки юз йил давомида стома кўйиш техникаси маълум бўлишига қарамай, адабиётлар таҳлили ичак стомаларини шакллантириш техникаси, у билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва даволаш, шунингдек кеч ривожланадиган асоратларни даволаш масалаларига бағишланган тадқиқотлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ичак касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоларига бағишланган кўпчилик ўқув адабиёт ва қўлланмаларда қорин олди деворида стома яратиш техникасининг тавсифи замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Бу тавсифлар кўпинча юзаки характерга эга бўлиб, жарроҳларнинг эътиборини муайян усулларни бажаришнинг аниқ кетма-кетлигига қаратмайди. Бундай ёндашувлар ушбу аралашувларга кўйиладиган ҳозирги замон талабларига мос келмайди. Ҳозирги кунга қадар ичак стомаларининг умумий таснифи этилган таснифи мавжуд эмас. Ичак стомаларини тизимлаштириш масалалари муаллифлар томонидан фақат ичак оқмаларининг умумий таснифлари доирасида кўриб чиқилган, уларда ичак стомаси муаммосининг барча жиҳатлари ҳисобга олинмаган ^{5,6}. Бу ҳолатлар ҳар бир клиника ёки жарроҳлик бўлимида ичак стомаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигига олиб келди. Бундай шароитда ушбу аралашувларни амалга оширишда стандартлар ҳақида гапириш ва уларнинг аниқлигини таъминлаш қийин. Ҳолбуки, операция қилинган беморларнинг кейинги тақдири ва кўпинча ҳаёти айнан шунга боғлиқ. Ўзгарган ҳаёт шароитига муваффақиятли мослашишнинг асосий шартларидан бири кечки парастомик асоратларнинг йўқлиги ҳисобланади ⁷. Стома шакллантиришда маълум қоидаларга риоя қилмаслик операциядан кейинги дастлабки даврларда беморнинг ҳаётига хавф соладиган яллиғланиш асоратларининг ривожланишига

⁵Chinese Ostomy Collaboration Group (COCG); Colon and Rectal Surgeon Committee of Surgeon Branch of Chinese Medical Doctor Association; Committee of Colorectal Cancer, Chinese Anti-Cancer Association; Colorectal Surgery Group of Surgery Branch of the Chinese Medical Association. [Criteria of enterostomy complications: classification and grading (2023 edition)]. *Zhonghua Wei Chang Wai Ke Za Zhi*. 2023 Oct 25;26(10):915-921. Chinese. doi: 10.3760/cma.j.cn441530-20230918-00094.

⁶Lin Y, Wu D, Shen Y, He Y, Ye J. Comparison of Outcomes between Two Surgical Techniques for Patients with Intestinal Neuronal Dysplasia. *J Immunol Res*. 2022 Jul 21;2022:9165651. doi: 10.1155/2022/9165651. Retraction in: *J Immunol Res*. 2023 Aug 16;2023:9891463. doi: 10.1155/2023/9891463.

⁷Plonkowski A, Allison C, Philipson P, Brady RRW. Risk factors associated with readmission within 30 days following stoma surgery: Development of a 'traffic light' prediction model. *Colorectal Dis*. 2023 Apr;25(4):747-756. doi: 10.1111/codi.16423.

сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу асоратларнинг олдини олиш стома шакллантириш бўйича жарроҳлик аралашувларининг ажралмас қисмига айланиши зарур. Илеостомия оқибатларининг кўплаб жиҳатлари ханузгача етарлича ўрганилмаган⁸. Йўғон ичакни олиб ташлаш ёки тўхтатиш илеостома кўйиш билан ўзгаришсиз ўтмайди: нейрогуморал ва реффлектор алоқалар тизими бузилади, бу овқат ҳазм қилиш ҳамда озиқ моддаларни сўриш жараёнларига таъсир кўрсатади⁹. Бу жиҳатдан илеостоманинг ўзи қандай роль ўйнаши унчалик аниқ эмас. Шунинг учун илеостома дисфункцияси масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, илеостомиянинг клиник ва физиологик оқибатлари масалалари махсус ўрганишни талаб қилади. Йўғон ичак декомпрессиясининг замонавий мини-инвазив жарроҳлик усуллари паракोलостомик йирингли асоратлар частотасини 5,4% гача, ўлим даражасини 3% гача камайтириш имконини беради ва анъанавий очик аралашувларга муқобил бўлиб хизмат қилиши мумкин¹⁰. Бироқ, стома шакллантириш билан лапароскопик операциялар, очик операцияларга қараганда, парастомал чурраларнинг юқори даражасига эга бўлиши мумкин. Стома лапароскопик усулда шакллантирилганда, қулфланувчи тешиги билан тўрни ретромускуляр жойлаштириш парастомал чурраларнинг олдини олиш учун энг мақбул усул бўлмаслиги мумкин. Парастомал чурраларни олдини олиш мақсадидаги қўлланиладиган лапароскопик стоманинг шакллантиришда, бекилувчи тешиг билан тўрни ретромускуляр жойлаштириш идеал усул бўлмаслиги мумкин¹¹.

Ўзбекистонда жарроҳлик аралашувлари натижасида келиб чиқадиган турли аъзо ва тизимлар касалликларини эрта ташхислаш ҳамда даволашга бағишланган қатор ишлар бажарилган (А.М. Хаджибаев, 2015; 2023; Ф.Г. Назиров, 2023; 2024; Ш.И. Каримов, 2024; А.В. Абдурахмонов, 2024). Бироқ, ичак стомалари бўлган беморларнинг жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ва ҳаёт сифатини баҳолаш етарли даражада ўрганилмаган. Ҳозирги кунга қадар ҳал қилинмаган, янада ишлаб чиқишни талаб қиладиган кўплаб масалалар мавжуд. Булар: ичак стоми кўйиш билан жарроҳлик аралашувларида асоратларни олдини олиш ҳамда даволаш усуллари тақомиллаштириш, тикловчи-реконструктив операцияларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар ва муддатларни аниқлаш, чанок ичи ичак резервуарини шакллантириш билан операциялар учун объектив мезонларни ишлаб чиқиш. Жарроҳлик аралашувининг мумкин бўлган натижаларига таъсир қилувчи хавф омиллари, уларнинг олдини олиш усуллари етарли даражада ўрганилмаган, шунингдек, тикловчи операцияларнинг янги

⁸Yang S, Tang G, Zhang Y, Wei Z, Du D. Meta-analysis: loop ileostomy versus colostomy to prevent complications of anterior resection for rectal cancer. *Int J Colorectal Dis.* 2024 May 8;39(1):68. doi: 10.1007/s00384-024-04639-2.

⁹Michońska I, Polak-Szczybyło E, Sokal A, Jarmakiewicz-Czaja S, Stępień AE, Dereń K. Nutritional Issues Faced by Patients with Intestinal Stoma: A Narrative Review. *J Clin Med.* 2023 Jan 8;12(2):510. doi: 10.3390/jcm12020510.

¹⁰Burghgraef TA, Geitenbeek RTJ, Broekman M, Hol JC, Hompes R, Consten ECJ; MIRECA Study Group. Permanent stoma rate and long-term stoma complications in laparoscopic, robot-assisted, and transanal total mesorectal excisions: a retrospective cohort study. *Surg Endosc.* 2024 Jan;38(1):105-115. doi: 10.1007/s00464-023-10517-9.

¹¹Lambrech J. Mini-invasive Surgery and Parastomal Hernia: Higher Frequency and No Prophylactic Mesh Effect. *Surg Laparosc Endosc Percutan Tech.* 2020 Aug;30(4):345-350. doi: 10.1097/SLE.0000000000000791.

усулларини ишлаб чиқиш ва излаш зарурати сақланиб қолмоқда¹². Ҳаёт сифати - тадқиқотчилар тобора кўпроқ эътибор қаратаётган мавзу. Колоректал саратон билан касалланишнинг кўпайиши муносабати билан бу масала айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу мавзу бўйича нашрлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганига қарамай, у ҳали ҳам чуқур ўрганишни талаб қилади. Очик операцияга нисбатан лапароскопик жарроҳлик фойдасига сезиларли фарқ аниқланган. Стома билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати ошқозон-ичак тракти узлуксизлиги сақланган беморларга нисбатан паст. Жарроҳлик амалиётидан кейин қанча кўп вақт ўтган бўлса, стома мавжудлиги ҳаёт сифатига шунчалик салбий таъсир кўрсатади. Колоректал саратон бўйича жарроҳлик амалиёти, айниқса ёшларда ва эркакларда беморларнинг жинсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади¹³.

Колопроктологияда коррекциянинг назарий жиҳатлари ҳамда янги усулларини ишлаб чиқиш, ташхис ва даволашнинг замонавий усуллари бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ичак стомасини кўйиш операциясидан кейинги эрта даврдан то беморларнинг тўлиқ реабилитациясигача бўлган даврда босқичма-босқич даволаш тизимини яратиш зарур. Шу билан бирга, стома кўйилган беморларда реабилитация чора-тадбирлари мажмуасини оптималлаштириш билан дифференциал ёндашувни танлаш масалалари ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда ва кўшимча тадқиқотларни талаб этади. Ўзбекистонда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам стома кўйилган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш ва ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича мақсадли тадқиқотларни давом эттириш долзарб бўлиб қолмоқда, чунки беморларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини оғирлаштирувчи маҳаллий асоратларнинг юқори даражаси сақланиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5436012000261-сонли “Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш” (2018-2022 йиллар) мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ичак стомаси билан оғриган беморларни операциядан кейинги эрта ва кечки асоратларни олдини олиш ҳамда коррекциялашга қаратилган комплекс реабилитация дастурини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ичак стомаси бўлган беморларни реабилитация қилишнинг мултимодал концепциясининг асосий тамойилларини аниқлаш;

¹²Liu F, Wang LL, Liu XR, Li ZW, Peng D. Risk Factors for Radical Rectal Cancer Surgery with a Temporary Stoma Becoming a Permanent Stoma: A Pooling Up Analysis. J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2023 Aug;33(8):743-749. doi: 10.1089/lap.2023.0119.

¹³Świątkowski F, Górnicki T, Bułdyś K, Chabowski M. The Quality of Life of Patients with Surgically Treated Colorectal Cancer: A Narrative Review. J Clin Med. 2022 Oct 21;11(20):6211. doi: 10.3390/jcm11206211.

стома билан касалланган беморларни реабилитация қилиш сифатини яхшилашга йўналтирилган тиббиёт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тактик жиҳатларини аниқлаштириш;

тизимли ва маҳаллий таъсир кўрсатишнинг қўшимча усулларини киритиш ҳисобига ичак стомаси бўлган беморларда реабилитация тадбирларининг комплекс дастурини такомиллаштириш;

таклиф этилган реабилитация дастурининг ичак стомаси бўлган беморларда операциядан кейинги эрта стома ва тизимли асоратлар частотасига таъсирини аниқлаш;

операциядан кейинги эрта асоратлар тузилмасини уларнинг оғирлик даражасига, шунингдек, стомия қилинган беморларнинг дастлабки ҳолатига қараб баҳолаш;

операциядан кейинги эрта реабилитация даврининг асосий натижаларини таҳлил қилиш;

таклиф этилган реабилитация дастурининг ичак стомаси бўлган беморларда кечки маҳаллий асоратларнинг ривожланиш частотасига таъсирини ўрганиш;

асосий кечки стоматологик асоратларнинг тузилишини ва уларни жарроҳлик йўли билан тузатиш зарурлигини текшириш;

таклиф этилган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг умумий самарадорлигини тиклаш операцияларини бажаришнинг мумкин бўлган муддатлари нуқтаи назаридан баҳолаш;

психологик дисфункцияни баҳолаган ҳолда ичак стомаси қўйилгандан кейинги эрта муддатларда беморларнинг ҳаёт сифатини таҳлил қилиш;

Stoma-QoL махсус сўровномаси бўйича стома билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати даражасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти: 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникасида ичак стомаси билан операция қилинган 397 нафар беморни даволаш натижаларининг таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг предмети: ичак стомаси ўрнатилган беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлиб, реабилитация босқичида анъанавий ёндашувлар қўлланилган - таққослаш гуруҳи ва даволаш комплексига айрим янги тактик-техник жиҳатлар киритилган такомиллаштирилган дастур қўлланилган - асосий гуруҳ ўрганилди. Операциядан кейинги эрта ва кечки даврдаги асоратлар, шунингдек, тикловчи операцияларни ўтказиш муддатлари тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги усуллар: умумклиник, инструментал, статистик усуллар қўлланилган, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш шкалаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ичак стомаси билан оғриган беморларни операциядан кейинги тизимли ва маҳаллий асоратларини олдини олиш ва даволашга комплекс ёндашувнинг ўзаро боғлиқ тамойилларини оптималлаштиришга ва реконструктив босқични

Ўтказиш имкониятини қисқартиришга қаратилган реабилитация қилиш усули такомиллаштирилган;

ичак стомасини нейтрал анализ билан даволаш терининг физиологик рН муҳитини сақлашга ёрдам бериши, мацерация ва яллиғланиш ҳавфини камайтириши, перистомал соҳасида патоген флоранинг тўпланишига тўсқинлик қилиши ва тўқималарнинг регенерацияси учун шароитларни яхшилаши аниқланган;

оғир тизимли яллиғланиш синдроми бўлган стомали беморларда қон томир ичига лазер билан нурлантириш антиоксидант механизмларни фаоллаштириши ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини пасайтириши ва бу тизимли яллиғланишнинг пасайишига, микроциркуляция ва тўқималарнинг кислород билан тўйинганлигини яхшилашга ёрдам бериши ҳамда тўқималарнинг битиш жараёнларини тезлаштириши исботланган;

стома майдонини лазер билан нурлантириш микроциркуляция ва ҳужайралар пролиферациясини фаоллаштириб, эпителизация жараёнларининг тезлашишини рағбатлантиради ва антисептик ва яллиғланишга қарши таъсирга сезиларли таъсир кўрсатиб, шунингдек яллиғланиш медиаторларини фаоллигини камайтириш орқали оғриқни камайтириши аниқланган;

пробиотиклардан фойдаланиш нормал ичак микробиотини тиклашга ёрдам бериши, дисбиоз ва патоген бактерияларнинг транслокациясини олдини олиши, шиллиқ қаватнинг иммунитетини ошириши, тизимли яллиғланиш реакциялари ҳавфини камайтириши, ичак моторикасини нормаллаштириши, ичак стомаси бўлган беморларда ич қотиши ва диарея ҳавфини камайтириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ичак стомаси билан оғриган беморларни комплекс реабилитация қилиш дастурининг айрим тактик ва техник жиҳатларини оптималлаштириш операциядан кейинги ўзига хос асоратларнинг юзага келиш частотасини камайтириш, тикланиш босқичини тезлаштириш ва умуман олганда даволаш натижаларини сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берганлиги аниқланган;

нейтрал анализдан фойдаланиш терининг мацерацияси ва таъсирланишини олдини олиши, калорецепторларнинг адгезияси учун шароитларни яхшилаши шунингдек умуман олганда стомалар ҳамда перистомаларнинг яқин ва узоқ муддатли асоратлари ривожланиш ҳавфини камайтириши исботланган;

ичак стомаси билан оғриган беморларнинг реабилитация протоколига қоннинг томир ичи лазерли нурланишини қўллаш тизимли асоратлар намоён бўлишининг оғирлигини камайтириши, тўқималарнинг тикланишини тезлаштириши ва тизимли яллиғланиш синдроми намоён бўлишининг дастлабки оғир даражаси бўлган беморларнинг умумий ҳолатининг яхшиланишини тезлаштиришга ёрдам бериши исботланган;

ичак стома соҳасининг маҳаллий лазерли нурлантирилиши комбинацияланган яллиғланишга қарши, антисептик ва регенератив таъсирга эга бўлиб, тўқималарнинг тез битишини таъминлаши ва маҳаллий яллиғланиш ва инфекция асоратлар ривожланиш ҳавфини камайтириши аниқланган;

ичак стомаси билан оғриган беморларнинг комплекс терапияси таркибида пробиотикларни эрта қўллаш дисбиознинг ривожланишини олдини олишни таъминлаши, ичак микробиотасини тикланишига, шиллиқ қаватнинг иммун жавобини яхшилашга ҳамда ичак функциясини меъёрлаштиришга ёрдам бериши исботланган;

узоқ муддатли кузатув даврида комплекс реабилитация дастури асоратлар частотаси ҳамда оғирлигини сезиларли даражада камайтиришга, жарроҳлик аралашувларига бўлган эҳтиёжни камайтиришга, тикловчи операцияларни бажариш муддатларини қисқартиришга ва асоратларсиз беморлар улушини оширишга имкон берганлиги аниқланган;

таклиф этилган реабилитация дастури стома билан оғриган беморларнинг ҳиссий, жисмоний ва ижтимоий фаровонлигини сезиларли даражада яхшилаганлиги, уларнинг ҳаёт сифати даражасининг сезиларли даражада ижобий ўзгаришини таъминлаганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри бажарилганлиги, етарли миқдорда материал танланганлиги, замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, ҳамда морфологик, морфометрик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, ёруғлик микроскопик шунингдек статистик тадқиқот усулларининг ўзаро тўлдирувчи хусусиятига эга эканлиги билан асосланади. Ичак стомалари билан оғриган беморларнинг жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилашнинг ноёблиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослаш орқали тасдиқланган шунингдек хулосалар ва олинган натижалар тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланиб, исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичак стомалари билан оғриган беморларни операциядан кейинги даврнинг турли босқичларида реабилитация қилишга комплекс ёндашувнинг назарий асосларини асослаш, яратиш, стомали ва тизимли асоратларнинг ривожланиш механизмларига таъсир қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий асослашдан иборат бўлиб, бу яллиғланиш реакцияларини камайтириш, тўқималар регенерациясини тезлаштириш шунингдек умуман олганда, реабилитация босқичини яхшилаш учун тикловчи операцияларни бажариш даврини қисқартириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ичак стомалари бўлган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш учун амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда намоён бўлади. Бунда асоратларни жарроҳлик ва консерватив даволашга табақалаштирилган ёндашув, шунингдек, уларнинг ривожланишини олдини олиш учун тактик ҳамда техник ечимлар қўлланилади. Бу эса операциядан кейинги эрта ва кечки даврда асоратлар частотасини камайтириш, касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш, узоқ муддатли натижалар ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ичак стомалари бўлган беморларнинг жарроҳлик реабилитациясини оптималлаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: ичак стомаси билан оғриган беморларни операциядан кейинги тизимли ва маҳаллий асоратларини олдини олиш ва даволашга комплекс ёндашувнинг ўзаро боғлиқ тамойилларини оптималлаштиришга ва реконструктив босқични ўтказиш имкониятини қисқартиришга қаратилган реабилитация қилиш усули такомиллаштирилганлиги - Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (30.09.2024 йилдаги 90-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали (13.09.2024 йилдаги 174-сонли буйруқ) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.09.2024 йилдаги 67-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/69-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: ичак стомаси билан оғриган беморларни реабилитация қилишнинг такомиллаштирилган усулини жорий этиш қуйидаги имкониятларни беради: беморларнинг умумий аҳволини яхшилаган ҳолда операциядан кейинги асоратлар (инфекция, яллиғланиш, стома соҳасининг некрози) хавфини камайтириш; оғир асоратлар частотасини камайтириш ва ижтимоий мослашувни ошириш орқали ногиронликнинг олдини олиш; реконструктив-тиклаш босқичини ўтказиш ва беморларни фаол ҳаёт тарзига қайтариш имкониятини тезлаштирган ҳолда реабилитация муддатларини қисқартириш. Иқтисодий самарадорлик: ушбу усулни қўллаш шифохонага ётқизиш, такрорий операциялар ва қўшимча лаборатория текширувлари харажатларини камайтиради. Таклиф этилган усул қўлланилганда шифохонада ётиш давомийлиги 2-3 кунга қисқаради. Янги методика бўйича даволанган 80 нафар беморда асоратларнинг олди олинди. Иқтисодий тежамкорлик: $200000 \text{ сўм} \times 2,5 \text{ кун} \times 80 \text{ бемор} = 40000000 \text{ сўм}$. Битта такрорий амалиётнинг ўртача нархи 1000000 сўм ни ташкил этади. 15 нафар беморда такрорий аралашувларнинг олди олинди. Тежамкорлик: $1000000 \text{ сўм} \times 15 \text{ бемор} = 15000000 \text{ сўм}$. Битта таҳлилнинг нархи 125000 сўм ни ташкил этади. Бир беморга ўртача текширишлар сони - 2. Тежамкорлик: $125000 \text{ сўм} \times 2 \times 80 \text{ бемор} = 20000000 \text{ сўм}$. Умумий иқтисодий тежамкорлик: $40000000 \text{ сўм} + 15000000 \text{ сўм} + 20000000 \text{ сўм} = 75000000 \text{ сўм}$. Йиллик иқтисодий тежамкорлик: ўртача йиллик беморлар сони 150 нафар бўлганда $75000000 \text{ сўм} \times (150 / 80) = 140625000 \text{ сўм}$. Хулоса: ичак стомаси билан оғриган беморларни реабилитация қилишнинг такомиллаштирилган усулини қўллаш бир йилда 75000000 сўм (80 нафар бемор) ва йиллик амалиёт миқёсида 140625000 сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 112500000 сўм бюджет маблағлари, 28125000 сўм бюджетдан ташқари маблағлардир;

иккинчи илмий янгилик: ичак стомасини нейтрал аналит билан даволаш терининг физиологик рН муҳитини сақлашга ёрдам бериши, мацерация ва яллиғланиш хавфини камайтириши, перистомал соҳасида патоген флоранинг

тўпланишига тўсқинлик қилиши ва тўқималарнинг регенерацияси учун шароитларни яхшилаши аниқланганлиги - Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (30.09.2024 йилдаги 90-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали (13.09.2024 йилдаги 174-сонли буйруқ) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.09.2024 йилдаги 67-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/69-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: ичак стома соҳасини даволаш учун нейтрал аналитни қўллаш: мацерация ва яллиғланишнинг олдини олган ҳолда терининг физиологик рН ни ушлаб туриш; инфекция асоратлар хавфини камайтирган ҳолда патоген флора тўпланишини камайтириш; битиш жараёнини тезлаштирган ҳолда тўқималар регенерацияси учун қулай шароит яратиш; беморларнинг умумий ҳолатини яхшилаган ҳолда ноқулайлик ва оғриқ синдромини минималлаштириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: ушбу усулни қўллаш касалхонага ётқизиш, такрорий операциялар ва антисептик ишлов бериш харажатларини камайтиради. Таклиф этилган усул қўлланилганда шифохонада бўлиш давомийлиги 3 кунга қисқаради. Янги методика бўйича даволанган 25 нафар бемордан қўшимча шифохонага ётқизиш кунларини четлаб ўтишга эришилди. Тежамкорлик: $350000 \text{ сўм} \times 3 \text{ кун} \times 25 \text{ бемор} = 26250000 \text{ сўм}$. Битта такрорий амалиётнинг ўртача нархи 2100000 сўмни ташкил этади. 8 нафар беморда такрорий аралашувларнинг олди олинди. Тежамкорлик: $2100000 \text{ сўм} \times 8 \text{ нафар бемор} = 16800000 \text{ сўм}$. Битта антисептик ишлов бериш муолажасининг нархи 950000 сўмни ташкил қилади. 15 нафар беморда қўшимча муолажаларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди. Тежамкорлик: $950000 \text{ сўм} \times 15 \text{ бемор} = 14250000 \text{ сўм}$. Умумий тежамкорлик: $26250000 \text{ сўм} + 16800000 \text{ сўм} + 14250000 \text{ сўм} = 57300000 \text{ сўм}$. Йиллик иқтисодий тежаш кўрсаткичи: ўртача йиллик беморлар сони 100 киши бўлганда $57300000 \text{ сўм} \times (100 / 25) = 229200000 \text{ сўм}$. Хулоса: ичак стома соҳасини даволаш учун нейтрал аналитни қўллаш бир йилда 57300000 сўм (25 нафар бемор) ва йиллик амалиёт миқёсида 229200000 сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 183360000 сўм бюджет маблағлари, 45 840 000 сўм бюджетдан ташқари маблағлардир;

учинчи илмий янгилик: оғир тизимли яллиғланиш синдроми бўлган стомали беморларда қон томир ичига лазер билан нурлантириш антиоксидант механизмларни фаоллаштириши ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини пасайтириши ва бу тизимли яллиғланишнинг пасайишига, микроциркуляция ва тўқималарнинг кислород билан тўйинганлигини яхшилашга ёрдам бериши ҳамда тўқималарнинг битиш жараёнларини тезлаштириши исботланганлиги - Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (30.09.2024 йилдаги 90-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали (13.09.2024 йилдаги 174-сонли буйруқ) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.09.2024 йилдаги 67-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/69-сонли хулосаси). Ижтимоий

самарадорлик: оғир тизимли яллиғланиш синдроми бўлган стома қилинган беморларда қоннинг томир ичи лазер нурлантириш усулини жорий этиш қуйидаги имкониятларни беради: антиоксидант механизмларни фаоллаштириш орқали яллиғланиш олди цитокинлари даражасини пасайтириш ва тизимли яллиғланишни камайтириш; микроциркуляция ва тўқималарнинг кислород билан тўйинишини яхшилаш, шикастланган тўқималар регенерациясини тезлаштириш ва тез битишга ёрдам бериш; оғир инфекцион асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш, реанимация бўлимида узоқ вақт қолиш эҳтиёжини пасайтириш; беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш ва интенсив терапияга бўлган эҳтиёжни камайтириш. Иқтисодий самарадорлик: ушбу усулни қўллаш касалхонага ётқизиш, такрорий операциялар ва қўшимча лаборатория текширувлари харажатларини камайтиради. Стома нотўғри танланганида ва асоратлар юзага келганда, касалхонада ётиш муддати 3-5 кунга узаяди. Янги усул бўйича даволанган 65 нафар беморда асоратларнинг олди олинди. Тежамкорлик: $300000 \text{ сўм} \times 4 \text{ кун} \times 65 \text{ бемор} = 78000000 \text{ сўм}$. Битта такрорий операциянинг ўртача қиймати 1 000 000 сўмни ташкил этади. 15 нафар беморда такрорий аралашувларнинг олди олинди. Тежамкорлик: $1000000 \text{ сўм} \times 15 \text{ бемор} = 15000000 \text{ сўм}$. Бир таҳлил нархи 125000 сўм. Ҳар бир беморга ўртача 2 та текширув ўтказилади. Тежамкорлик: $125000 \text{ сўм} \times 2 \times 65 \text{ бемор} = 16250000 \text{ сўм}$. Умумий тежамкорлик: $78000000 \text{ сўм} + 15000000 \text{ сўм} + 16250000 \text{ сўм} = 109250000 \text{ сўм}$. Йиллик иқтисодий тежамкорлик: ўртача йиллик беморлар сони 120 киши бўлганда $109250000 \text{ сўм} \times (120 / 65) = 201000000 \text{ сўм}$. Хулоса: оғир тизимли яллиғланиш синдроми билан стома қилинган беморларда қон томир ичи лазер нурлантириш усулини қўллаш бир йилда 109250000 сўм (65 нафар бемор) ва йиллик амалиёт миқёсида 201000000 сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 160800000 сўм бюджет маблағлари, 40200000 сўм бюджетдан ташқари маблағлар;

тўртинчи илмий янгилик: стома майдонини лазер билан нурлантириш микроциркуляция ва хужайралар пролиферациясини фаоллаштириб, эпителизация жараёнларининг тезлашишини рағбатлантиради ва антисептик ва яллиғланишга қарши таъсирга сезиларли таъсир кўрсатиб, шунингдек яллиғланиш медиаторларини фаоллигини камайтириш орқали оғрикни камайтириши аниқланганлиги - Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (30.09.2024 йилдаги 90-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали (13.09.2024 йилдаги 174-сонли буйруқ) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.09.2024 йилдаги 67-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/69-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: стома соҳасини лазерли нурлантиришни жорий этиш қуйидагиларга имкон беради: микроциркуляция ва хужайра пролиферациясини фаоллаштиради, бу тўқималарнинг тезроқ битишига ёрдам беради; юқумли асоратлар хавфини камайтирган ҳолда сезиларли антисептик ва яллиғланишга қарши таъсирни таъминлайди; оғрик синдромига камайтиради, оғрик

қолдирувчи воситаларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва беморларнинг умумий аҳволини яхшилайти; асоратлар частотасини камайтиради, бу эса беморларга интенсив даволанишга тезроқ мослашиш ва даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Иқтисодий самарадорлик: ушбу усулни қўллаш реанимацияда бўлиш, такрорий операциялар ва қўшимча дори-дармонларни буюриш харажатларини камайтиради. Таклиф этилган усул қўлланилганда интенсив терапия бўлимида бўлиш давомийлиги 2 кунга қисқаради. Янги методика бўйича даволанган 90 нафар беморнинг реанимацияда узок муддат қолишининг олди олинди. Тежамкорлик: $450000 \text{ сўм} \times 2 \text{ кун} \times 90 \text{ бемор} = 81000000 \text{ сўм}$. Битта такрорий амалиётнинг ўртача нархи 1800000 сўмни ташкил этади. 16 нафар беморда такрорий аралашувларнинг олди олинди. Тежамкорлик: $1800000 \text{ сўм} \times 16 \text{ бемор} = 28800000 \text{ сўм}$. Дори-дармонлар билан даволашнинг битта схемаси 950000 сўмни ташкил қилади. 50 нафар беморда қўшимча дори-дармонлардан қочишга муваффақ бўлинди. Тежамкорлик: $950000 \text{ сўм} \times 50 \text{ нафар бемор} = 47500000 \text{ сўм}$. Умумий иқтисодий тежаш кўрсаткичи: $81000000 \text{ сўм} + 28800000 \text{ сўм} + 47500000 \text{ сўм} = 157300000 \text{ сўм}$. Йиллик тежамкорлик: ўртача йиллик беморлар сони 170 нафар $157300000 \text{ сўм} \times (170 / 90) = 297122222 \text{ сўм}$. Хулоса: стома соҳасини лазерли нурлантиришдан фойдаланиш бир йилда 157300000 сўм (90 нафар бемор) ва йиллик амалиёт миқёсида 297122222 сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 237697777 сўм бюджет маблағлари, 59424444 сўм бюджетдан ташқари маблағлардир;

бешинчи илмий янгилик: пробиотиклардан фойдаланиш нормал ичак микробиотини тиклашга ёрдам бериши, дисбиоз ва патоген бактерияларнинг транслокациясини олдини олиши, шиллик қаватнинг иммунитетини ошириши, тизимли яллиғланиш реакциялари хавфини камайтириши, ичак моторикасини нормаллаштириши, ичак стомаси бўлган беморларда ич қотиши ва диарея хавфини камайтириши аниқланганлиги - Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (30.09.2024 йилдаги 90-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали (13.09.2024 йилдаги 174-сонли буйруқ) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.09.2024 йилдаги 67-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/69-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: ичак стомаси билан оғриган беморларни даволашнинг такомиллаштирилган стратегиясини жорий этиш қуйидагиларга имкон беради: беморлар ва соғлиқни сақлаш тизимига юкламани камайтирган ҳолда такрорий жарроҳлик аралашувлар хавфини камайтириш; антибиотикотерапияга бўлган эҳтиёжни минималлаштириш, антибиотикларга резистентлик хавфини камайтириш; ичак микрофлорасини коррекциялаш, беморларнинг умумий ҳолатини яхшилаш; касалхонага ётқизиш муддатларини қисқартириш, беморларга кундалик ҳаётга тезроқ тикланиш ва қайтишга имкон бериш. Иқтисодий самарадорлик: ушбу усулни қўллаш шифохонага ётқизиш, такрорий жарроҳлик аралашувлари ва антибиотикотерапия харажатларини камайтиради. Таклиф этилган усул қўлланилганда шифохонада бўлиш давомийлиги 4 кунга қисқаради. Янги методика бўйича даволанган 100 нафар бемордан қўшимча

